

Қурбон ҳайити арафасида буни билиб олайлик!



17:00 / 06.07.2022 2859

Инсон дўстлари, танишлари ёки оила аъзолари даврасида ўтирганда, қурбонлик қилиш учун сотиб олган ҳайвонининг нарҳини айтмайди, «Жонзотни қимматга олдим» деб малолланмайди. Чунки у қурбонликни Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қилиш ниятида адо этади. Аллоҳ таоло у банданинг ҳар бир айтган, айтаётган ва айтадиган гапларини билиб, эшитиб турибди. Шунинг учун мусулмон киши қурбонлик учун жониворни чин қалбдан, малолланмай, «қиммат экан» демай сотиб олиши ва ихлосу ҳиммат билан қурбонлик қилиши лозим.

Валиллаҳил масалул аълаа. (Энг олий мисол Аллоҳникидир).

Уйингизга бир меҳмон келса, унинг олдига қўйиш учун дўкондан гўшт олиб келсангиз, аёлингизга «гўшт қиммат бўлиб кетибди» десангиз, бу гапни меҳмон эшитиб қолса, қандай ноқулай ҳолат бўлишини тасаввур қилиш қийинмас.

Шунинг учун қурбонликка соғлом, бақувват, семиз, бозорнинг энг олди жонлиғини сотиб олишга ҳаракат қилишимиз, нарҳига асло парво қилмаслигимиз керак.

Бизнинг қимматга сотиб олган жонлиғимизнинг гўшти ҳам, қони ҳам Роббимизга етиб бормайди. У Зотга бизнинг қалбимиздаги тақвоимиз етиб боради, шу ҳақиқатни унутмаслигимиз шарт!

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

«Уларнинг гўшtlари ҳам, қонлари ҳам зинҳор Аллоҳга етмас. Лекин Унга сиздан тақво етадир. Шундай қилиб, сизни ҳидоят қилгани эвазига Аллоҳга такбир айтишингиз учун уларни сизга беминнат хизматкор қилиб қўйди. Яхшилик қилувчиларга башорат бер» (Ҳаж сураси, 37-оят).

Биродарлар, опа-сингиллар!

Қурбонлик мавсуми яқинлашганда ижтимоий тармоқларда эчки, қуй, мол, туя кабиларни қурбонлик қилишга алоқадор истеҳзоли постлар, изоҳлар, расмлар кўпаяди. Бундай қилишдан сақланишимиз, улуғ бир ибодатни масхара қилиб қўйишдан эҳтиёт бўлишимиз лозим. Зеро, қурбонликка тайёрланган жонлиқ Аллоҳ таолонинг шиорларидан ҳисобланади.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилган:

«Ана шундай. Ким Аллоҳнинг нишонларини улуғласа, бас, албатта, бу қалбларнинг тақвосидандир» (Ҳаж сураси, 32-оят).

Изоҳ: «Нишонлар» деб таржима қилинган сўз оятда «шаъаир» деб келган. У «шаъийра» сўзининг кўплик шакли бўлиб, шиор, нишон, белги, аломат маъноларини билдиради. Бу сўз Аллоҳ таолога нисбат берилиб, «шаъаируллоҳ» (Аллоҳнинг шиорлари) дейилса, Аллоҳнинг дини, Ислом шон-шавкатининг аломати бўлган ибодатлар кўзда тутилади. Хусусан, ушбу ояти каримада бу сўз тагида қурбонликка сўйиладиган жониворлар кўзда тутилмоқда.

Аллоҳ таоло барчамизни ихлос ва муҳаббат билан чин қалбдан қурбонлик қиладиган бандаларидан айласин!

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади